



**ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА УСТУВОР  
ВАЗИФАЛАР ВА ЎҚУВЧИ - ЁШЛАРНИ  
ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ**

**Мадумаров Талантбек Толибжонович**

Андижон давлат университети Ижтимоий иқтисодиёт факултети  
декани юридик фанлари, доктори, профессори

**Ғуломжонов Одилжон Рахимжон ўғли**

Ўзбекистон миллий университети Давлат ва фуқаролик жамияти  
институтлари бошқаруви мутахассислиги 2-босқич магистранти  
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10637925>

**ARTICLE INFO**

Received: 31<sup>th</sup> January 2024  
Accepted: 08<sup>th</sup> February 2024  
Online: 09<sup>th</sup> February 2024

**KEY WORDS**

*Рақамлаштириш, маданият,  
ҳуқуқбузарлик, иммунитет,  
глобаллашув,  
ватанпарварлик, жасорат,  
ҳуқуқий-демократик, жадид,  
кредит-модул.*

**ABSTRACT**

*Ижтимоий соҳадаги таълим, тиббиёт,  
рақамлаштириш, маданият ва спорт соҳаларидаги  
ислоҳотларнинг жойлардаги ижросини  
таъминлаш ва шу соҳаларидаги камчиликлар,  
уларни бартараф қилиш юзасидан амалга  
ошириладиган ислоотлар, ўқувчиларни  
ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳақида  
мақолада фикр юритилган.*

2024 йил 5 феврал куни Президентимиз раислигида ижтимоий соҳадаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Ушбу йиғилишда таълим, тиббиёт, рақамлаштириш, маданият ва спорт соҳаларидаги ислоҳотларнинг жойлардаги ижросини таъминлаш ва шу соҳаларидаги камчиликлар, уларни бартараф қилиш юзасидан топшириқларни бериб ўтди. Жумладан мактабгача ва мактаб таълимида эришилган катта ўзгаришлар билан бир қаторда боғча билан мактаб, мактаб билан коллеж ва олийгоҳ ўртасида узвийлик етарли даражада эмаслиги, маҳалла раиси мактабда тарбия ва давомат масалалари, ота-оналар билан ҳамкорлик қилиш билан қизиқмаса, туман ҳокимлари, ёшлар ва ижтимоий масалага масъул ўринбосарлари мактабда маънавият ва спорт тадбирларини ташкил этишга эътиборсизлигини таъкидлаб ўтди. “<sup>1</sup>Мактабларда оғриқли масалалардан бири, бу – тарбия ва маънавият масаласи эканлиги. Шунинг натижасида ўтган йили вояга етмаганлар 3,5 мингта жиноят содир этилган. Шундан 2 минг 280 нафарини мактаб ўқувчилари ташкил қилади. Бунинг сабаби мактаб директоридан бўлапти, ёки Болалар масалалари бўйича миллий комиссияга масъул ҳокимлар ҳар ҳафта битта мактабга бориб, ўқувчиларни шароити ва тарбияси билан шуғулланмаяптими деган савол туғилади.

Шу муносабат билан мактаблардаги инспектор-психологлар штати Ички ишлар вазирлигидан Миллий гвардия тизимига ўтказилиши белгиланди. Шу орқали ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш орқали уларда “ҳуқуқбузарликка

<sup>1</sup> 2024 йил 5 феврал куни Президентимиз раислигида ижтимоий соҳадаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилиши нуткидан



қарши иммунитет” яратиш бўйича тизим қилиш зарурлиги таъкидланди”.

Глобаллашув жараёнлари ҳамда одамлар айниқса ёш авлоднинг қалби ва онги учун кураш кучайиб бораётган озирги шароитда ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Бунинг учун ўқувчиларда халқимизнинг минг йиллар давомида шаклланган қадимий анъана ва қадрияти асосида буюк аجدодларимиз Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Жалолiddин Мангуберди сингари она Ватан учун жонини фидо қилишга тайёр мард ва юртга садоқати, ватан озодлиги учун жонини фидо қилган Тўмарис, Широқ, Спитамен, Нажмиддин Кубро, Жалолiddин Мангуберди, Темур Малик сингари халқимизнинг мард ва жасур фарзандлари биз учун, ўсиб келаётган ёш авлод учун ўрнак-наъмуна тимсоли эканлиги. Бу жасорат замирида она Ватанга чексиз муҳаббат ва садоқат туйғуси ётишлиги қалби ва онгига сингдиришимиз лозимдир. Маълумки, XIX аср охирларидан маърифатпарварлик оқими сифатида пайдо бўлган жадидчилик ҳаракати XX аср бошларидан эътиборан ўзининг тадрижий ривожланиш босқичида янги бир даврга кирди. Бу даврда жадидчилик ўз олдига кенг ислоҳотчилик мақсадларини қўйган ижтимоий-сиёсий ҳаракат даражасига кўтарилди. Туркистон тараққийпарварлари меросини ўрганишнинг муҳим жиҳати шундаки, улар бундан юз йиллар муқаддам юрт мустақиллиги ва ёш авлодни маърифатли қилиш масаласини олға сурган эдилар. Жумладан, жадидлар ўлканинг тараққиётга эришувини билимли ёшлар қўлида, деб билганлар ва уларни ривожланган мамлакатларга таълим олиш учун юбориш, хорижий тилларни ўрганиш, замонавий илм-фан ва техника билимларини эгаллаш каби масалаларни кўтарганлар. Жадидчилик дастлаб маданий-маърифий оқим сифатида пайдо бўлганлиги табиий, албатта. Чунки илғор мусулмон зиёлилари ижтимоий ва мустамлакачилик зулмининг асосий сабабларини замонавий илм-фан ютуқларидан беҳабарликдан ва маориф ишларидаги қолоқликдан изладилар. Шу сабабли, улар мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг ягона йўли таълим ислоҳоти, деб қарадилар ва маърифатпарварлик ғоялари асосида ёш авлодни тарбиялашга асосий эътибор бердилар. Янги усул мактаблари, кутубхоналар очдилар, дарслик, ўқув қўлланмалари ёздилар ва нашр эттирдилар. Айни пайтда улар инсон ҳуқуқлари, миллий, диний, иқтисодий эркинликлар кафолатланган, ҳуқуқий-демократик миллий давлатчиликнинг назарий асосларини яратишга ҳаракат қилдилар.

Давлат раҳбари Шавкат Мирзиёев<sup>2</sup> “Агар мактаб ичига бутун миллат билан, бутун жамоатимиз билан кирмасак натижа бўлмаслиги” мактабларда тарбия ва маънавият масалаларига эътиборни кучайтириш муҳимлигини таъкидлади.

Ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва касбга йўналтириш, тарбияси ва ўқишида муаммо бўлган ўқувчиларнинг ота-оналари ва маҳалла фаоллари билан бирга ишлаб, муаммоларни ечишга қаратилган аниқ чораларни кўриш муҳимлиги қайд этилди. Жумладан «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорликни йўлга қўйиш, Таълим муассасаларидаги таълим-тарбия жараёни самарадорлигини ошириш,

<sup>2</sup> 2024 йил 5 феврал куни Президентимиз раислигида ижтимоий соҳадаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилиши нутқидан



ўқувчилар давоматини яхшилаш, «Оила — муқаддас тушунча», «Оилавий анъаналар», «Маҳалла ва оила маънавиятининг мустақкамлиги», «Ота ва она — оила таянчи», «Оилада шарқона садоқат» ва маҳаллаларда ноқобил, нотинч оилаларда тарбияланаётган болаларнинг таълим-тарбияси ҳамда уларга ҳар томонлама ижтимоий кўмаклашиш кўламини кенгайтириш, Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ноижтимоий ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш бўйича кенг тушунтириш ишларини амалга ошириш бўйича кенг ҳамкорликни йўлга қўйиш зарур.

Маҳалла раислари ҳар ой мактабларда ота-оналар билан учрашиб, маҳалла ва мактабдаги муҳитни муҳокама қилиши мақсадга мувофиқ экани кўрсатиб ўтилди. Мактабларда таниқли шоир ва ёзувчилар, спортчилар, фахрийлар, жамиятда обрўга эга инсонлар билан учрашувларни кўпайтириш лозимлиги айтилди. Болалар тарбиясини яхшилашга, ота-оналар дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қиладиган миллий контентни маҳалла ва таълим муассасаларига етказиб туриш топширилди. Ёшлар ўртасида оммалашган ижтимоий тармоқларни таҳлил қилиб, уларнинг зарарли таъсиридан ҳимоялаш ва ижобий томонидан фойдаланиш бўйича ота-оналар ва ўқувчиларга содда тилда қўлланмалар яратиш муҳимлиги қайд этилди.

Шунингдек, мактабга мослашиш ва китобни севишга ўргатиш, яхши хулқли бўлиш, атрофидагилар билан мулоқот қилишни ўрганиш ва билим олишга кучли иштиёқни шакллантириш, касб танлаш, жамиятга мослашиш, катта ҳаётга қадам қўйишда фарзандларга қандай йўл-йўриқ бериш зарур, деган саволлар юзасидан ота-оналар учун халқчил тилда материаллар тайёрланиши. Ўтган йилги 380 минг мактаб битирувчисидан 180 минги таълимни коллеж, техникум ёки олийгоҳда давом эттирмоқда. Қолган 200 минг нафари меҳнат бозорига кириб келмоқда. Дуал таълим билан 234 та профтаълим муассасасида барча ўқувчилар ҳам қамраб олинмаган. Вазирликлар ўзларига тегишли коллеж ва техникумларда ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш тизимли ишга қўйилиши, улардаги қувватлар 100 фоизга ишлатилиши кераклиги вазифа сифатида юклатилди. Бундан ташқари шу каби камчиликлар олий таълимда ҳам мавжуд. масалан, бакалавриятда ўнлаб йўналишлар меҳнат бозори талабларига жавоб бермаслиги. Кўп олийгоҳлар кредит-модулга ўтди, лекин талабанинг қобилятини юзага чиқарадиган тизим яратиш зарур. Жорий йилда 122 та янги йирик лойиҳалар бошланади. Бу – яқин йилларда мураккаб технологияда ишлай оладиган 10 минг муҳандис ва технологлар керак, дегани. Лекин, олийгоҳларда бундай мутахассисларни тайёрлаш 20 фоиздан ошмаяпти. Бу борада “Эл-юрт умиди” жамғармаси фаолиятини ҳам фаоллаштириш лозим. Хорижга кетган талабаларнинг бор-йўғи 9 фоизи муҳандислик ёки технологиялар йўналишида экани қайд этилди.

Ўтган йили Давлат тест маркази Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги сифатида қайта ташкил этилди. Лекин, агентлик ҳалигача абитуриентларни имтиҳон қилиш билан чекланмоқда. Шу боис, профессионал ва олий таълимда касбий кўникмаларни белгилаш ва уларни баҳолаш бўйича янги тизим жорий қилинади. Умуман, иш берувчиларда катта эҳтиёж, талабаларда салоҳият ва хоҳиш бор. Шунинг учун коллеж-техникумлар ва олийгоҳларни иш берувчилар билан узвий боғлайдиган тизим яратилади. Эндиликда Лойиҳа офиси раҳбари бир вақтнинг ўзида Касбий билим



ва малакаларни ривожлантириш республика кенгашига раҳбар бўлади. Бандлик вазирлиги тизимидаги Меҳнат тадқиқотлари институти ҳам лойиҳа офисига бириктирилиши, муттасадиларга ҳар бир олийгоҳ, техникум ва коллежда технопарк, лаборатория ва амалий мономарказлар ташкил этиш шартлиги кўрсатиб ўтилди.

Шундан келиб чиқиб ўқувчи ёшларда ватанпарварлик руhini сингдиришда ўқувчиларнинг билими, таҳлилий, танқидий ва креатив фикрлашга ўргатиш, муаммоларга ечим топиш, амалиётда қўллай олиш кўникмаларини шакллантириш лозим.

## References:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Т:2023
2. 2022 — 2026-йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси.
3. 2024 йил 5 феврал куни Президентимиз раислигида ижтимоий соҳадаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилиши нутқи
4. <https://lex.uz/ru/docs/-4791458?ONDATE=23.02.2023%2000>
5. <https://lex.uz>